



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 10-mart. Payshanba

29 (31.305)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

■ Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалга ошириш учун имконият яратиш борасида бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Бу йўналишдаги ишларнинг мазмун-моҳияти, кўлами ва аҳамияти хусусида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ ўзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини изчил ва тизимли ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди А.Абдуллаев. — Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ахборот эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва мулоҳазаларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан туриб фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида амалий иштирокига эришиш қийин.

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан оммавий ахборот воситалари, сўз эркинлигини амалда таъминлаш, фикрлар хилма-хиллиги, одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини очик ифода эта олиши учун реал имкониятлар яратиш, бу йўлдаги барча тўсиқларга барҳам бериш, эски қарашлар ва бир хилдаги фикрлардан воз кечишдан иборат вазифаларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларнинг ошқоралиги ва очиклигини таъминлашда уларнинг фаолигини ошириш, медиа маконида илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот соҳасини эркин ривожлантиришга қаратилган ўнга яқин қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини амалга ошириш учун зарур қонунчилик базаси шакллантирилди. Ахборот соҳасига бозор механизмлари босқичма-босқич жорий этилмоқда, нодавлат матбуот, телевидение ва радио, босма ва аудиовизуал воситаларни қўллаб-қувватлайдиган агентликлар ҳамда фондлар тармоғи ривожланмоқда.

Бугун юртимизда 1,2 мингдан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Мустақиллик даврига мавжуд оммавий ахборот воситаларининг барчаси давлатга қарашли бўлса, бугун уларнинг 53 фоизи нодавлат тармоқ тизимидадир. Эътиборлиси, бугун веб-сайтлар ҳам оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситалари юртимизда яшаётган миллатларнинг ўн тилида, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби йиғирмадан ортиқ йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари

(Давоми 2-бетда.)

ри соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тегишли давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда журналистлар тайёрлаш, уларни ихтисослаштириш, журналистика факультетларининг техник базасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Журналист кадрлар тайёрлашнинг самарали механизми шаклланди. Интернетдан фойдаланишни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантиришнинг миллий дастури доирасида рақамли узатиш тизимлари ҳамда рақамли коммуникацион ускуналар базасида миллий телекоммуникация тармоғи яратилаётди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ўтган вақт мобайнида эришилган натижалар атрофлича таҳлил этилиб, ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг долзарб вазифалари белгилаб берилди.

Концепцияда ахборот соҳасига оид янги тўрт қонун, хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги, «Телерадиозаштиришлар тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»-ги қонунларни қабул қилиш ҳамда амалдаги айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган. Буларнинг барчаси ахборотни яратиш, излаш, олиш ва ундан фойдаланишдаги ўзаро муносабатларни қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутди. Айни пайтда демократик жараёнлар чуқурлашуvinинг муҳим омили бўлган давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу эса оммавий ахборот воситалари фаолиятини замон талабларига мослаштириш, улар ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, мавжуд ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш, матбуот эркинлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ таъминлашга оид масалаларни ҳал этади.

Қонун ва шарҳ

■ Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишонсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Ислам КАРИМОВ



Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи

сиёсий партияларга юксак ишонч ва катта масъулият юклайди

⇒ 2

Муносабат

Фарида ТОШПҲАТОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати



Эртанги кун бизники, марра бизники!

■ Мамлакатимизда ёшлар ўз иқтидорини намойён қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Президентимиз ташаббуси билан истеъдодли қизларни рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Бундай юксак мукофотга муносиб кўрилганидан қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Кун кеча 8 март — Хотин-қизлар байрами муносабати билан бизга мана шу юксак мукофот топширилди.

⇒ 4

Фуқаролик жамияти — олий стратегик мақсад

■ Бугунги кунга келиб мамлакатимизда фуқаролик жамиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар янги паллага кирди. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасида сифати ва моҳиятига кўра бутунлай янги жамият шаклланди. Бошқача айтганда, халқ иродаси давлат сиёсати ва бошқарувида ўз ифодасини топиши таъминланди.

⇒ 3

Эътироф

Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг бугунги, қадимий ўтмиши ва маданиятини ўзда мужассам этган. Денгизга тўғридан-тўғри чиқиш йўлининг мавжуд эмаслиги боис Ўзбекистонга иқтисодий жиҳатдан осон эмас. Бироқ шунга қарамай, у демографик ва геостратегик нуқтан назардан минтақада ҳар доим етакчи ўринни эгаллаб келган. Қўшни мамлакатларда, айниқса, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонда қалтис ва мураккаб вазият сақланиб турганига қарамадан, Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Мамлакат раҳбарияти томонидан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинаётди. Президент Ислам Каримов 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан анча олдин Афғонистондаги беқарор вазият оқибатида юзага келиши мумкин бўлган террористик таҳдидлар ҳақида халқаро ҳамжамиятни оголантирган эди. Ўзбекистон ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб, иқтисодийнинг асосий тармоқларини янгилади, аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш тизимини такомиллаштирди, хорижий сармояларни жалб қилиш, шунингдек, халқаро муносабатларда ўз позицияларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди.

Катрин ПУЖОЛЬ хоним,
профессор (Франция)

Янгиликлар

Сабина Ғолибликни кўзламоқда

■ Таиланднинг Нонтатури шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида киритилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Сабина Шарипова бош соврин учун курашмоқда.

Қизлар ўртасидаги яққалик беллашувларини иккинчи босқичдан бошлаган истеъдодли теннисчимиз дастлабки учрашувни руминиялик Патрисию Мария Тигга қарши ўтказди. Биринчи сетда рақибасига 2:6 ҳисобида ютказган теннисчимиз кейинги сетларда ҳужумкор ўйин кўрсатди ва 7:5, 6:3 ҳисобида зафар кучиб, мағлубиятни галабага айлантирди.

Энди Сабина Шарипова чорак финал йўланмаси учун франциялик Лоу Брюлога қарши кортга чиқади.

«Ўзбектуризм» халқаро сайёҳлик ярмаркасида

■ Германиянинг Берлин шаҳрида 9 март кун «ITB Berlin — 2011» халқаро сайёҳлик ярмаркаси бошланди.

Унда 187 мамлакатнинг ўн бир мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компанияси вакиллари, экспортлар ва олимлар иштирок этмоқда. Тадбирда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти ҳам кенг намойиш этилмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотларига кўра, мамлакатимиз ҳар йили икки миллионга яқин хорижий сайёҳни қабул қилиши мумкин. Шу нуқтан назардан Берлинда ўтказилаётган халқаро сайёҳлик ярмаркаси мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла ишга солиш юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 10 MARTDAN BO'SHAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1692,53	1 Миср фунти	283,17	1 СДР	2631,04	10 Жанубий Корея вон	14,97
1 Англия фунт стерлинги	2718,50	1 Канада доллари	1717,38	1 Туркия лираси	1046,92	10 Япония иенаси	202,91
1 БАА дирҳами	454,77	1 Хитой юани	254,26	1 Швейцария франки	1792,20	1 Россия рубли	58,97
1 АҚШ доллари	1670,15	1 Малайзия ринггити	551,57	1 Евро	2310,24	1 Украина гривнаси	210,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматган.



Қонун ва шарҳ

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи

сиёсий партияларга юккак ишонч ва катта масъулият юклайди



Абдуманно РАҲИМОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси

Маълумки, ўтган йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Бош вазир лавозимига номзод тақлиф этиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартибини, шунингдек, ҳукуматга нисбатан ишонсизлик вотумини қиритишни жорий қилиш тақлифи илгари сурилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун лойиҳаси куйи палатада атрофлича муҳокама этилиб, яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида бир овоздан қўллаб-қувватланди ва кўриб чиқиш учун Сенатга юборилди.

Парламент куйи палатаси томонидан қабул қилинган ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти, мақсади, ижтимоий-сиёсий ҳаёtimизда тугган ўрни, тарихий аҳамияти нималардан иборат?

Аввало, шунга таъкидлаш лозимки, мазкур қонун мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни янги босқичга кўтаришда ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Халқаро жамоатчилик ва кўпчилик хорижий экспертларда катта қизиқиш уйғотган, танқидли дунё сиёсатчиларининг хо-

зири кунда ҳам муҳокама марказида турган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимиз Конституциявий тизимида иккита янги институтни жорий қилиниши билан алоҳида диққатга сазовор. Буларнинг бири келгусида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқини сиёсий партияларга бўлиши ва иккинчиси Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш тартибининг ўрнатилиши белгиланган институтдир.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз Конституциявий тизимида мулқ янги иккита институтни жорий қилиниши Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳақиқатан ҳам мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериш билан бирга ўзининг функцияси, мақсад, вазифасига кўра жамият сиёсий ҳаёtimда алоҳида ўрин тугучи сиёсий партияларга юккак ишонч ва катта масъулият ҳам юклайди.

Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, келгусида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партияга ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимиз Конституциявий тизимида иккита янги институтни жорий қилиниши билан алоҳида диққатга сазовор. Буларнинг бири келгусида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқини сиёсий партияларга бўлиши ва иккинчиси Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш тартибининг ўрнатилиши белгиланган институтдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққаннан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақлиф этилади.

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ҳўш, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқини сиёсий партияларга берилишининг аҳамияти нимадар?

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг сиёсий ҳаёtimда сиёсий партиялар ўзининг алоҳида муҳим ўрнига эга. Уларси ҳуқуқий-демократик давлат тизимининг амалга ошириш мумкин бўлмайдми. Аҳолининг турли қатламлари манфаатлари, жумладан, уларнинг жамият ҳаёtimдаги социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўз дастурларига ифода этувчи турли хилдаги (халқ демократик, социал-демократик, либерал-демократик, миллий-демократик в.а.) сиёсий партиялар энг аввало парламент сайловларида ғолиб чиқиш, парламентда кўпроқ депутатлик ўринларига эга бўлиш учун курашади ва шу орқали давлат ҳокимияти тизимининг қонун қираруви тармоғида ўз таъсир кучи кенгайтиришга ҳаракат қилади. Демак, сиёсий партиялар парламент қонун ижодкорлиги фаолиятида ўзининг депутатлари орқали фаол иштирок этиб, қабул қилинаётган қонунларда ўз электорат манфаатларини ифода этиш ва уларни ҳимоя қилишга интилади. Шунингдек,

ўз навбатида ижро ҳокимияти фаолияти устидан олиб бориладиган «парламент назорати»да иштирок этади. Юқорида айтилган ҳар иккала жараёнда ҳам сиёсий партияларнинг иштироки асосан ўларнинг парламентдаги депутатлик фракцияси фаолиятида намоён бўлади. Кўриниб турибдики, парламент қонун ижодкорлиги ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан назоратни олиб боришда сиёсий партиялар бевосита иштирок этади.

Бош вазир номзодининг сиёсий партиялар томонидан кўрсатилишининг энг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, бу имкониятни қўлга қиритиш учун сиёсий рақобат кучаяди. Чунки келажакда сиёсий партиялар ўларнинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатини янада самарали ҳимоя этишда ижро ҳокимияти орқали ҳам таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Сиёсий партиялар ижро ҳокимияти, хусусан, Бош вазир фаолияти самарадорлигини манфаатдор бўлади ва унинг фаолиятини мунтазам равишда кузатиб боради.

Энди Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш институти ҳақида тўхталиб ўтасак.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини номига расман қиритилиш тақлиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамаида Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала қиритилади.

Бунинг мазмунини нимани англатади? Бундай янгилик Бош вазир, умуман ижро ҳокимияти устидан «парламент назорати» институтини амалда янада такомиллаштириш билан изоҳланади, десак тўғри бўлади. Қолаверса, Бош вазир ўз фаолиятида номзодини кўрсатиш сиёсий партия манфаатларини кўпроқ ифода этишга уриниши эҳтимолдан холи бўлмай-

ди. Бундай ҳол ҳам охир оқибада Қонунчилик палатасидаги бошқа сиёсий партиялар фракциялари ўртасида Бош вазир фаолиятига нисбатан ишонсизликни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳам Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масалани қиритиш ҳуқуқининг белгиланиши, Бош вазирнинг нафақат битта сиёсий партия, балки парламентдаги бошқа сиёсий партиялар билан ҳам ўзаро муроса ва келишув асосида ишлашга мажбур қилади. Яна ҳам аниқроқ айтганда, Бош вазир ўз фаолияти давомида мунтазам равишда парламентнинг назорати остида бўлади.

Конституцияга киритилаётган бундай ўзгартиш ва қўшимчаларни барча сиёсий партиялар катта манфаатдорлик билан қабул қилиб, уни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Қонун лойиҳаси муҳокамаида фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Агар келгусида Ўзбекистон ХДП Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлиб, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқини қўлга қиритса, ўзининг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларини, яъни меҳнатга лаяқатли, лекин вақтинчалик ишсиз бўлган аҳоли қатламини доимий иш билан таъминлаш, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий таъминини мустаҳкамлашда янада кенг имкониятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юртимизда кўп-партиявийлик тизимининг янада мустаҳкамлашиши, давлат ҳокимиятининг урта субъекти, яъни давлат бошлиғи — Президент, қонун қираруви ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада муталозим тақсимланиши таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни бутунлай янги босқичга кўтарди, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишимизга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти ва бошқарувида халқ иштироки янада кенгроқ фаоллашувини таъминлайди.

ЎзХДП вилоят кенгашларида



Аёлни улуғлаш

оилани, ҳаётни, Ватанни улуғлаш демакдир

Қашқадарё вилоят партия кенгаши ҳамда вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи 8 март — хотин-қизлар байрами муносабати билан маданий-маърифий кеча уюштирди.

Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, электорат вакиллари иштирок этди.

Бугун хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касаначилик, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш хусусан, вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш борасида кўп иш қилинмоқда. Ўтган йили 19100 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. 882 нафари касбга йўналтириш учун қайта ўқитилди. Касаначилик асосида 2805 та иш ўрни ташкил этилди.

Зулфия ҚИЁМОВА, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиб, Қарши шаҳридаги 34-умумтаълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси:

— Ўтган йил мен учун омадли бўлди. Кўп китобларим чоп этилди. «Меҳнат шухрати» орденига муносиб кўрилдим. Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва яратилган имкониятлар самарасидир. Биз бундан тўла фойдаланган ҳолда янада улкан марраларни қўлга қиритишимиз зарур.

Умида ФОЗИЕВА, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоят партия кенгаши ижроия кўмитаси аъзоси:

— Байрам арафасида Юртимизнинг хотин-қизларга йўллаган табригини ўқиб, дилмида шукроналик ва ифтихор туйдим. Ундаги фикрлар кишини янада самарали меҳнат қилишга ундайди.

Ўтган йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимида кўп китобларим чоп этилди. «Меҳнат шухрати» орденига муносиб кўрилдим. Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва яратилган имкониятлар самарасидир. Биз бундан тўла фойдаланган ҳолда янада улкан марраларни қўлга қиритишимиз зарур.

«Она ва бола йили» Давлат дастурига биноан вилоятда замонавий ташхис қўйиш ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган скрининг маркази фаолияти йўлга қўйилди. Бу ногиронлик ва ирсий касаллик, тумна ривожланиш нуқсонини бор болалар тугилиш хавфини камайтиради.

Табииёт муассасалари юккак талабларга жавоб берадиган замонавий ускуналар билан таъминланган. Бу шу соҳада меҳнат қилаётган хотин-қизларга яхши шароит яратиш билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.

Лола САОДТОВА, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлга бўлган муносабат билан белгиланади. Юртимизда аёллар фарзандини меҳр билан тарбиялаб, уларда Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат туйғуларини шакллантирмоқда, тинч, фаровон яшаб меҳнат қилмоқда. Хизмат вазифам сабабли вилоятнинг кўп қишлоқларида бўламан ва хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий билими, фаоллиги ортиб бораётганини кўраман, қувонаман.

Табииёт, шунингдек, партия тарғибот-ташвиқот ишларида фаолликни янада кучайтириш, «Фаол аёллар» қаноти тизимини изчил ривожлантириш масалалари муҳокама этилди, алғалди вазифалар белгилаб олинди.

Музаффар ТУРОПОВ, «Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

Оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари кенгаймоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Концепцияда кўтарилган вазифаларни изчил амалга ошириш доирасида Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ҳам қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, босма оммавий ахборот воситалари интернет ресурсларини кенгайтириш, тез ва сифатли ахборот алмашиш тизимини йўлга қўйиш, худудий тахрирларнинг ривожланишига, юртимиз ва жаҳон миқёсидаги маълумот-

лардан фойдаланишга яқиндан кўмаклашиш мақсадида «Мамлакат худудий туман ва шаҳар газеталари ўртасида глобал интернет тармоғи негизида ахборот алмашиш тизимини яратиш» лойиҳаси икки босқичда амалга оширилди.

Бугунги тезкор давр журналистлардан ўз билимининг муттасил бойитиб бориш, юртимизда журналистларнинг малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фонд томонидан 2010 йилда «Республика худудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши» лойиҳаси

доирасида худудий босма нашрларнинг саксон нафарга яқин ёш журналисти юртимизнинг етакчи тахрирларлари, ахборот агентликларида малака оширди. Иштирокчилар босма ва электрон нашрларда амалиёт ўтаб, тахрираси ва билимини бойитди.


Фонднинг «Мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ёритиб бориш» лойиҳаси доирасида юртимизнинг барча худудларидаги олти мишдан ортқ тахрирлар жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги ислохотларни журналистиканинг хилма-хил жанрларида кенг ёритиб бораётди. Лойи-

ҳага журналистикага энди кириб келган иқтидорли ёш ижодкорларнинг жалб этилгани улар учун ўзига хош ҳолат мактаби вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ўтган йигирма йиллик давр мобайнида туб ижобий ўзгаришлар, янгилик ва тарққатиш йўлини босиб ўтиб, эркин фикр минбарига айланмоқда. Буларнинг барчаси оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга, эҳтирлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЎЗА мухбири Назоқат УСМОНОВА эзиб олди.

Хорижда Об-ҳаво ноқулайлиги сабабли



Чамба туманида автобус дарага қулаган, оқибатда 32 киши ҳалок бўлиб, 7 киши тан жароҳати олган. Бхармаур шаҳри яқинида ҳам шунга ўхшаш ҳодиса рўй берган, оқибатда 9 киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг айтишича, автохалокатларга ноқулай об-ҳаво шароити, яъни тинимсиз ёмғир ёиши сабаб бўлган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Ҳиндистон дунёда энг кўп йўл транспорт ҳодисаси рўй берадиган мамлакат ҳисобланади. Бунинг оқибатида йилга 100 миң одам қурбон бўлади, 400 миң киши турли даражада тан жароҳати олади.

Миллион-миллион балиқлар

АҚШнинг Кинг-Харбор кўрфазини ўлган балиқларга тўлиб кетди.

Сув юзига қалқиб чиққан ўлик балиқлар кўрфазнинг аксарият қисмини банд этган. Бу ҳодисанинг сабаби ҳамон аниқлангани йўқ. Балиқчиларнинг айтишича, сув жонотлари кислород етишмаслиги оқибатида қирилган.

Айни дамда кўрфазни балиқлар ўлигидан тозалаш давом этмоқда.



Франциянинг «Moët Hennessy Louis Vuitton» концерни Италиянинг «Bulgari» компаниясини 6 миллиард АҚШ долларига сотиб олди.

Олди-сотди давом этади

«Bulgari» мамлакатдаги заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг нуфузли компаниялардан бири. Маҳаллий матбуотнинг эзишича, Франциянинг «Moët Hennessy Louis Vuitton» концерни Louis Vuitton, Hennessy, Givenchy, TAG Heuer, Moët & Chandon каби элликдан зиёд брендлар остида зебу зийнат ишлаб чиқаради. Қарийб йигирма беш йилдан бунён фаолият юритаётган мазкур компаниянинг қўллаб мамакатларда уч юзга яқин дўкони бор.

18 километрлик тоннел

Дания Фемарн-Бельт бўғози орқали Лолланн ороли билан Германиянинг Фемарн оролини боғловчи 18 километр узунлидаги сувести йўли барпо этишни режалаштирмоқда.

Бу тоннел фойдаланишга топширилгач, Копенгагендан Гамбурггача бўлган қарийб тўрт соатлик масофа бир соатга қисқаради. Тоннель қурилиши 2014 йилда бошланади ва 6 йил давом этади.



Автомобиллар қайтариб олинади

АҚШнинг «Ford» компанияси жаҳон бозоридан саккиз турдаги ўттиз беш миңг юк автомобиллини таъмирлаш учун қайтариб олишни маълум қилди.



Мутахассисларнинг айтишича, машиналарнинг ёқилги билан таъминлаш тизимида аниқланган техник носозлик оқибатида кўп қишлоқларда транспорт ҳодисалари рўй берган.

Бундай носозликлар «Ford» компаниясининг жаҳон бозоридagi нуфузини тушириб юборди. Маҳаллий матбуотнинг эзишича, концерн 2011 йилнинг ўзида йигирма миңга яқин «Ford Ranger» машинасини таъмирлаш учун қайтариб олган.

Фуқаролик жамияти — олий стратегик мақсад

■ Бугунги кунга келиб мамлакатимизда фуқаролик жамиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар янги паллага кирди. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилган туб ўзгаришлар натижада сифати ва моҳиятига кўра бутунлай янги жамият шаклланди. Бошқача айтганда, халқ иродаси давлат сиёсати ва бошқарувида ўз ифодасини топиши таъминланди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, фуқаролик жамияти шахснинг ўзини ўзи англаш, унда масъуллик ҳиссини ўсиши билан уйғун равишда шаклланиб боради. Бундай жамиятда шакланган фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқорилиги билан ажралиб туради.

Фуқаролик жамияти устувор бўлган мамлакатларда нафақат инсон эркинлиги, балки давлатнинг жамият учун хизмат қилиш масъулиятининг юксаклиги, ўзини ўзи бошқаришнинг такомиллаштириш каби қадриятларга амал қилинади. Бундай жамиятда турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида ҳам мислсиз натижаларга эришилади. Бугун дунё давлатлари ичида ялли миллий маъсулнинг жон бошига тақсимланишида ҳам фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатлар пешқадамлик қилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, инсон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликлар бағридагина ўзининг яратувчанлик қобилиятини тўлиқ намойён қила олади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда фуқаролик жамияти куриши ва уни такомиллаштириш борасидаги кўламли ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Президент Ислам Каримов Олий Мажлис палаталари кўшма йиғилишида таъкидлаганидек, «**Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбега чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.**»

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда кечаётган туб ўзгаришларда давлатнинг бош ислохотчилик вазифаси асосан, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёнида намоён бўлмоқда. XXI аснинг бошига келиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларга босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият курилишини янада эркинлаштириш бошланди.

Президентимиз тақлиф этган Концепцияда илгари сурилган устувор мақсадлар юртимизда фуқаролик жамияти куришнинг янги бир даврини бошлаб берди. Хусусан, Концепциядаги асосий вазифалардан бири — фуқаролик жамияти институтларини давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузи ва мақомини ошириш, уларнинг бу тузилмалар устидан самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйишдан иборат. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш жараёни жамоатчилик ва фуқаролик назорати институтларини жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш билан узвий боғлиқ ҳолда кечиши кўзда тутилмоқда.

Концепцияда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва демократлаштириш, жаҳон ҳам-жамиятига янада чуқурроқ интеграциялашув, давлат бошқарувида халқ иродаси тўлақонли ифода топиши, аҳолининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида яна қатор қонунлар қабул қилишга зарурат сезилаётгани ҳар томонлама асослаб берилди. Жумладан, бу соҳада маълум ривожланишга эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, давлат органлари билан фуқаролар муносабатида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни** қабул қилиш кун тартибига қўйилди. Айниқса, бу қонуннинг «аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ижтимоий шериклик ўзининг кўп қирралиги билан ажралиб туради. Ижтимоий шериклик турли ижтимоий бирликлар, қатламлар ва гуруҳларнинг ўзига хос ижтимоий муносабати бўлиб, у бир томондан давлат органлари, ходимлар ва иш берувчиларнинг бозор иқтисодиётига хос ўзаро муносабатини таъминловчи, иккинчи томондан, иш берувчи билан ишловчининг тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиши, улар манфаатининг ўзаро оптимал мувозанатини таъминловчи механизм сифатида намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун фуқаролик жамияти институтлари ҳаракатини кучайтириб, давлат органлари бозор иқтисодиёти мезонидида иш юритишга қўлайлик туғдириб қўлади. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизми сифатида ҳам хизмат қилди. Бошқача айтганда, ижтимоий шериклик жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини адолат тамойиллари асосида мувофиқлаштирувчи омилга айланади.

Шунингдек, Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институтлари сифатида такомиллаштириш, маҳаллалар фаолиятини аҳоли манфаатларини кенгроқ ифодалаш, улар фаолияти ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш, иш кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатини изчиллаштириш мақсадида **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**га тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсада мувофиқ экани таъкидланди. Бу маҳаллаларни «...ақли йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, уларнинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш», демакдир.

Албатта, маҳаллани фуқаролик жамияти институтлари сифатида ривожлантириш, шу асосда аҳолида ўзини ўзи бошқариш малакасини кучайтириш,

ҳар бир фуқарода воқеликка дахлдорлик, огоҳлик ва масъуллик ҳиссини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этишини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос керак. Шу маънода, мазкур қонун кучли фуқаролик жамияти кафолатларидан бири бўлади.

Концепцияда маҳалла фуқаролар йиғинлари мавқени оширишга ҳам алоҳида эътибор берилди. **Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуни**га ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тақлиф шу мақсадга хизмат қилади. Унда йиғин раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда уларга юксак талаблар — «оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутиш» белгилаб берилди.

Кейинги пайтларда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фаолиятини янада кучайтириш билан бирга, маҳалла аҳоли томонидан уларнинг иши назорат қилинишига зарурат сезилаётган эди. Умуман, фуқаролар йиғинига сайланган шахслар аҳоли манфаати ва эҳтиёжини қай даражада ҳисобга олиб иш кўрмоқда? Бунинг назоратини кучайтириш учун шунинг таъминловчи механизми таъминлаштириш лозим, албатта.

Мазкур қонунга доир тақлифда фуқаролар йиғинининг сайланган органларини талаб даражасида иш юритиши, маҳалла аҳоли масъуллиги асосида кечиши, унинг фуқаролик жамиятига хос хусусиятларини янада ривожлантиришга урғу берилди.

Маълумки, ҳуқуқий давлат ва одил жамият шароитида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва фуқаролар манфаатлари гўёки давлат манфаатлари сифатида намоён бўла бошлайди. Қолаверса, жамоатчилик назорати давлат идоралари фаолияти жамият манфаатлари асосида кечишини таъминлашга таъсир этади. Муҳими, бу жараёнда фаол иштирок этгани сайин фуқароларнинг ўзлари ҳам ижтимоийлашиб боради. Ижтимоийлашув эса сиёсий маданиятнинг асосий шартларидан биридир.

Шунинг учун ҳам Концепцияга биноан «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизминини яратишга қаратилган **«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни** қабул қилиш» белгиланди. Мазкур «қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Жамият ва давлат бошқарувида жамоатчилик назоратининг амал қили-

ши, бир томондан, давлатнинг халқчиллигини ифодаласа, иккинчи томондан, фуқароларнинг давлат бошқаруви жараёнида иштирок этишини рағбатлантиради, учинчи томондан эса, мансабдор шахсларнинг фуқаро олдидagi масъулиятини оширади. Шунингдек, жамоатчилик назорати орқали ҳокимият тизими ошкоралигини таъминлаш мумкин. Халқимизда «Эл назари» деган ибора бор. «Фалончи назардан қолди, элдан чиқди», «Фалончи эл-юрт хурматида сазовор бўлди» деб кўп айта-миз. Жамоатчилик назорати аслида шу. Бу жамият соғлом бўлишига хизмат қилади.

Қолаверса, ҳуқуқий давлат билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигини мустаҳкам бўлишига, фуқаролар унга ишонч билан қарашига замин яратади. Шу билан бирга, жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишларини рағбатлантиришнинг муҳим омилдир.

Концепцияда **«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига** нодавлат нотижорат ташкилотлари қонуний ҳуқуқларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилган. Ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган. Бундан асосий мақсад — фуқаролик жамияти институтларини ўз конституциявий ва қонуний ваколатларини мустақил институт сифатида амалга оширишлари учун кенг имкониятлар ва ижтимоий кенгликлар яратишдир. Албатта, кодексга киритиладиган ўзгаришлар Конституциянинг 58-моддасини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга ошириш учун шарт-шароит яратиб беради. Энг муҳими, нодавлат нотижорат ташкилотлар учун энг зарур имконият — улар қонун доирасида эркин ва мустақил фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос янада такомиллашади.

Маълумки, ҳозир ҳар бир мамлакат учун глобал хавф-хатарлар қаторига экологик таҳдид ҳам қўшилди. Қолаверса, дунёдаги экологик вазият инсон соғлигига, табиатнинг ўз қонуниятлари асосида яшашига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Ривожланган мамлакатларда «яшиллар» ҳаракатлари бежиз ташкил толган эмас. Мамлакатимизда ҳам экологияни ҳимоялашга сафарбар бўлган кучлар юзага келди, парламент Кўйи палатасида бу ҳаракат манфаатларини таъминлашга қодир депутатлар гуруҳи шаклланди.

Концепцияда ҳам «атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган **«Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш» тақлифи илгари сурилган. Мазкур ҳужжат экологик жараёнларни яхшилашга, аҳоли фаоллигини оширишга, экологик маданият ўсишига кучли таъсир этади, десак, мулоҳаза бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Концепцияда илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш фуқаролик жамияти институтлари халқро меъёлар даражасида ривож топишига хизмат қилади. Зеро, инсон манфаатларини амалга ошириш таъриқийнинг асосий кафолати. Биз кураётган фуқаролик жамияти шу мақсадга қаратилган. Шу маънода, Концепция турмуш фаровонлиги, юрт ободлиги ва Ватан тараққиётида янги даврни бошлаб бериши шубҳасиз.

М. ҚИРГИЗБОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.



Янги

Бахт уйи

Термиз шаҳрида янги Бахт уйи фойдаланишга топширилди.

Замонавий ва миллий архитектура уйғунлигида қад ростлаган кўркем қоша «Сантехизмонтаж» хусусий корхонаси томонидан барпо этилди. Келин-куёвларнинг никоҳдан ўтиш хонаси, маслаҳатхона, тиббий кўрик хонаси, архив замонавий усулда жиҳозланиб, Термиз шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ходимларини фаолияти ва никоҳдан ўтувчилар учун барча шароит яратилди. Бу ерда, шунингдек, фотостудия ва нотариал идора хизмати ҳам йўлга қўйилди.



Фарход Абдураҳимов (Уш) олган суратлар

Бандлик

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

■ Яқинда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей биноси байрам тусини олди. Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда шаҳар прокуратураси томонидан ташкил этилган «Бўш иш ўринлари ярмаркаси»да 95 та корхона ва ташкилотлар 345 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

— Бундай тадбир анъанавий тус олаётгани яқин бўлди, — дейди 1-шаҳар шифохонаси кадрлар бўлими бошлиғи Фарид Бурхонова. — Ҳар ҳолда ишга қабул қилинаётган шахснинг умумий қизиқишлари, психологияси, ғайрати, ҳатто маънавий-сиёсий савияси ҳақида тезроқ, тўлиқроқ тўшунача хосил қилиш мумкин бўлади.

— Мен Раҳматуллаев Шухратжон бўламан, — дейди ишга қабул қилинган шахснинг умумий қизиқишлари, психологияси, ғайрати, ҳатто маънавий-сиёсий савияси ҳақида тезроқ, тўлиқроқ тўшунача хосил қилиш мумкин бўлади.

— Мен Раҳматуллаев Шухратжон бўламан, — дейди ишга қабул қилинган шахснинг умумий қизиқишлари, психологияси, ғайрати, ҳатто маънавий-сиёсий савияси ҳақида тезроқ, тўлиқроқ тўшунача хосил қилиш мумкин бўлади.

Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бундан ташқари 198 нафари ўз танловига кўра доимий иш топишга муваффақ бўлган. Ишга жойлашганларнинг 132 нафари касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртиларини тамомлаган, 3 нафари ҳарбий хизматдан қайтган ёшлардир. Ярмаркада доимий иш ўрнига эга бўлганларнинг 12 нафари жазони ўташ муассасаларидан озод бўлиб қайтганлардир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Кичик корхонанинг катта ишлари

■ Зарафшонлик Зинаида Деметьева тўқонинчи йиллар бошида саноатчилар ва қончилар шаҳрида жунни қайта ишлаш кичик корхонасини очган эди.

Бу ерда дастлаб беш киши доимий иш ўрнига эга бўлган. 1992 йил бошларида корхонада кўй жундан ҳар хил нарсалар ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда 30 турга яқин кўрпа-тўшаклар ва турли кўри-нишдаги тиббиёт бегобларга тайёрланмоқда. Энг муҳими, бу — корхонада бугун 34 нафар томдиллик, учқудуқлик ва зарафшонлик ёшлар меҳнат қилишади.

— Ҳали булар ишининг бошланиси, — дейди Зинаида Сте-

пановна. — 2011 йилда корхона янада кенгайтириб, иш ўринлари сонини 50 га етказишни мўлжаллаялмиш. Кўй ва туя жунини сифатли қайта ишлаб, калавалаш, йиғирши ва тўқиш ишларини замон талаблари даражасида бажариб-на қолмай, тайёр бўлган жунли маъсулотларини уйларга бериб, ижара асосидаги қасб-хунар ширкати ҳам йўлга қўйишни режалаштираялмиш.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Мамлакатнинг энг узоқ қишлоғида

■ Қўнғирот тумани марказидан 480 километр олинсдаги «Қорақалпоқ» фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган мўъжазгина шифохона барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳудудда туғиш ёшидаги аёллар сони 955 нафарни ташкил қилади. Ўтган йили уларнинг ҳаммаси тиббий кўриқдан ўтказилди. Унинг натижалари кўра, 212 нафар аёл амбулатория, қолганлари эса стационар шароитда соғломлаштирилди. Узоқда яшаётган

аҳолига эса уйларида бориб тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Ўзстандарт» агентлиги ва «Республика синов ва сертифицилаштириш маркази» давлат корхонаси жамоаси «Наманган синов ва сертифицилаштириш маркази» давлат корхонаси директори Джабир Исақовга онаси **Ёқутхон МАМАТХОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Анжуман

Солиқ юки пасаймоқда



■ Яқинда Давлат солиқ қўмитасида мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда солиқ органлари томонидан Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қароридан белгиланган вазифалар ҳақида маълумот берилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги 5 йил давомида тизимли равишда солиқ сиёсатини эркинлаштириш, юкинни камайтириш ҳамда солиққа тортиб олишнинг соддаштиришга қаратилган ислохотлар ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 6 фоизгача пасайтирилди.

Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, турли бюрократик тўсиқ ва фоғларни олиб ташлаш, рўйхатдан ўтказиш тартибини янада соддаштириш шуллар жумласидандир. Дастурни амалга ошириш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, текширувларни ташкил этиш тизимини тубдан қисқартириш ва такомиллаштириш мақсадида кўйидаги тартиб ўрнатилиши кўзда тутилган:

Солиқ хизмати органларида солиқ тўловчиларга интерактив хизматларни тақдим этиш тизими 2007 йилдан бошлаб жорий этилган. Бугунги кунда давлат солиқ қўмитаси томонидан бу хизматларнинг бир неча тури тақдим этилмоқда.

Солиқ тўловчилар билан замонавий коммуникация технологиялар ёрдамида алоқалар ўрнатилишини янги тизимга ўтиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби юритишни соддаштириш, молиявий ва солиқ ҳисоботини электрон ҳужжат

қўринишида тақдим этишни жорий этиш ва такомиллаштириш, шунингдек, интерактив ҳамда қозғосиз технологияларга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш бўйича чоралар мажмуи ишлаб чиқилди.

2010 йилда Давлат солиқ қўмитасининг ташаббусига кўра «БЭМ — бухгалтерия электрон мадад» номли бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш имконини берувчи миллий дастурий маъсулот яратилди. Ушбу тадбирлар мажмуи кичик бизнес субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини бепул дастурий таъминлашни кўзда тутади.

Мирбақтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Муносабат

Эртанги кун бизники, марра бизники!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлиш юртимиздаги ҳар бир кизнинг энг эзгу орзусидир. Ушбу бахтга эришганимдан беҳад хурсандман. Бу катта ишонч масъулиятини ҳам ҳис этиб турибман. Менинг «Баҳорни соғиниб», «Истараси иссиқ юрт», «Эҳтиром» номли шеърый китобларим чоп этилган.

Фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келаяпман. «Янги авлод — 2008», «Сардор — 2009» кўрик-танловларининг республика босқичида юқори ўринларни қўлга киритдим. 2009 йили Хитой саёҳатида берилган йўлланмага эга бўлдим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши

томонидан ўтказилган «Мен ва менинг ҳуқуқим» 2-республика болалар форумида 1-ўринни эгалладим.

Орзуларим жуда кўп. Уларга етишим учун тинмай ўқиб изланишим керак. Тенгдошларимни ҳам фаолликка, Ватан тақдирига дахлдорликка, яхши ўқиб, ҳаётда ўз ўрниларини топишга чақираман.



Эътироф ва ишонч

ФИФАнинг 2012 йилда 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон мезбонлик қилиши ҳақидаги қарорини эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим. Бу хушxabарнинг 8 март — Хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинганлиги мамлакатимизнинг кўпсонли футболсевар аёллари, миллионлаб футбол мухлислари учун ажойиб байрам совғаси бўлди.

Спортчи борки, ўзи шугулланаётган спорт тури бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этишни, унда Ватани шарафини муносиб ҳимоя қилишни орзу қилади. Мен кўп йиллардан бери Қаршининг «Севинч» футбол жамоаси таркибида майдонга тушаман. Жамоамиз кўп қарра мамлакат чемпиони ва Ўзбекистон кубоги соҳиби саналади. Қатор йирик халқаро турнирларда ҳам

доимо кучлилар сафидан жой олиш учун курашиб келаяпман. Ўзбекистон аёллар футбол терма жамоаси асосини ҳам «Севинч»нинг қизлари ташкил қилади.

Аслида ФИФАнинг ушбу нуфузли мусобақа мезбонлиги мамлакатимизни таълимнинг замирида Президентимизнинг юртимизда футбол тараққиётига, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга

қўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари мужассам.

Авалло, шуни таъкидлашни истардимки, жаҳон чемпионати муносабати билан энди юртимизга ер қуррасининг барча қиёсасидаги етакчи футболчилар ва мутахассислар ташриф буюришади. Чемпионатни юксак савияда ташкил этиш мақсадида ФИФА Ўзбекистонга инвестиция қилиб, стадионларимизни халқаро андозаларда тўлиқ реконструкция қилиниши, янгидан янги машғулот майдонлари барпо этилишига ўз хиссасини қўшади. Кейинчалик мазкур майдонларда ёш футболчиларимизнинг машғулотлар ташкил этилиши, стадионларимизда юқори савияда ўйинлар ўтказилиши бу жаҳон чемпионатининг юртимизга катта

фойда келтиришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жаҳон чемпионати ўтказилаётган пайтда маҳаллий мутахассисларимизнинг ҳам бу тадбирга жалб қилиниши уларга ташкилотчилик борасида ўз тажрибаларини орттириб олиш имконини яратди. Гарчи, жаҳон чемпионати қизлар ўртасида ўтказилса-да, уни ташкил этишдан ўзлаштирилган тажриба келгусида мамлакатимизда нафақат аёллар ўртасидаги, балки ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтадиган турли даражадаги бошқа мусобақаларда ҳам жуда кўл келиши шубҳасиздир.

Олия АҲМЕДОВА,
Қаршининг «Севинч» футбол клуби ва Ўзбекистон аёллар терма жамоаси сардори.



«Соғлом она — соғлом бола»

дастурига алоҳида эътибор қаратилганидан қалбим гурурга тўлди

Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлланган байрам табригини бир аёл, тиббиёт ходими сифатида ҳаяжон билан тингладим. Мен қарийб 40 йилдирки, тиббиёт соҳасида хизмат қилиб келаяпман. Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тарихий йўли нафақат менинг фаолиятимда, балки мамлакатимиз тиббиётида ҳам туб бурилишлар даври бўлди.

Юртбошимиз аёллар ҳақида сўз очар экан, энг аввало, асосий эътиборни она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратди. Дарҳақиқат, биз онани авайласак, ардоқласак, соғлигини таъминлай оلسак, бу билан ёруғ ва бахтли эртанимизни, келажакимизни янада нури тасаввур этамиз. Шу мақсад йўлида аёл саломатлигини муҳофаза этиш, турли касалликлар билан оғришнинг олдини олиш, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини назорат қилиш мақсадида 2010 йилда вилоятдаги 862893 нафар туғиш ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Натижалар эса аёллар саломатлигини тобора яхшилаб бораётгани, соғлом чақалоклар туғилишига олиб келатганини кўрсатмоқда.

Вилоятдаги акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатрларнинг билимини ошириш орқали оналар ва болалар ўртасида саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, «Бехатар оналик» дастури вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги туғуруқ комплексларига татбиқ этилди.

«Болаларнинг ўсиш ва ривожланиши мониторинги» дастурлари бўйича тренер-

лар тайёрланиб, амалиёт врачлари ва ўрта тиббиёт ходимлари ўқитилди.

Мамлакатимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш устувор вазифа ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан вилоятдаги барча туғуруқ комплекслари мукамал таъмирланиб, жаҳон андозалари талабларига етказилди. Бу мақсадда 2 миллиард 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Осиё тараққиёт банлари саломатлигини назорат қилиш мақсадида 2010 йилда вилоятдаги 862893 нафар туғиш ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Натижалар эса аёллар саломатлигини тобора яхшилаб бораётгани, соғлом чақалоклар туғилишига олиб келатганини кўрсатмоқда.

Вилоятдаги акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатрларнинг билимини ошириш орқали оналар ва болалар ўртасида саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, «Бехатар оналик» дастури вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги туғуруқ комплексларига татбиқ этилди.

«Болаларнинг ўсиш ва ривожланиши мониторинги» дастурлари бўйича тренер-

Флора ИСЛАМОВА,
Фарғона вилоят перинатал маркази бош вақили.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Ўқитади, ўргатади...

БМТнинг Китоб туманидаги қишлоқларни ривожлантириш маркази энди тадбиркорлар маслаҳатхонасига айлантирилди

БМТ «Тараққиёт» дастурининг Ўзбекистон ҳукумати ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Худудларни комплекс ривожлантириш» қўшма лойиҳасини ваҳда амалга оширишга 2008 йилнинг август ойидан киришилган эди. Лойиҳа бўйича Китоб, Қарши, Нишон ва Шаҳрисабз туманларида 70 дан ортиқ маҳаллалар қамраб олинди. Аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа йўналишдаги 63 та инфратузилмавий лойиҳа амалга ошди. Нишон ва Китоб туманларида «Қишлоқларни ривожлантириш» марказлари тузилди.

— Аввало, олиб борилган ишлар кўлами катта, — дейди БМТ худудларни комплекс ривожлантириш лойиҳасининг Қашқадарё вилоятидаги раҳбари Равшан Дўстқораев. — Энг муҳими, жойлардаги муаммоларни ҳал қилиш борасида одамларнинг ўзлари ташаббускор бўлишлари лозим. Бунинг учун уларга ўз бизнесини ташкил этиш, банklar билан муомала қилиш ва бошқа кўникмалар ўргатиб борилади. Масалан, Китоб туманидаги марказимизда соддалаштирилган ҳисоб-китоблар фермер хўжаликлари, хусусий кичик корхонада ишлаётган юзлаб ҳисобчилар учун ўқув машғулоти ташкил этилди. Туманининг тажрибаси вилоят ва мамлакат бўйича ёйилди. Лойиҳа асосида 30 дан ортиқ тажриба майдонлари танлаб олинди. Масалан, китоблик Абдумурод Ашуровнинг хонадониде картошкадан юқори ҳосил олиш тажрибаси муваффақиятли синовдан ўтди. Тумандаги Қайнарбулоқ фуқаролар йиғинига қарашли Темиричи



қишлоғи ташаббускорлар гуруҳи катта ишларни амалга оширди. — Ҳақиқатан ҳам ибратли ишлар қилинди, — дейди Китоб тумани ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Олмос Қобулов. — Ҳамкорлик бу йил ҳам давом этади, албатта. Мен БМТ Дастурининг мамлакатимиздаги раҳбари Анита Нироди хонимга лойиҳанинг туманимиздаги марказини ҳокимлик ихтиёрига бериш таклифи билан қўқдим. Ва бунинг сабабларини куйидагича асосладим. Масалан, бу йил 1121 та лойиҳани амалга ошириш юзасидан тадбирлар тузилган. Фермерлар, тадбиркорлар кичик корхоналар ташкил қилиш, маҳаллий хонадонларни қайта ишлаш, савдо шохобчалари қуриш каби ибратли ишларга қўл урилган. Уларга зарур ахборотларни бериш, кўмаклашиш учун шундай марказга муҳтож эдик.

— Китоб тумани ҳокимлигининг таклифи дастуримиз раҳбарияти томони-

дан қўллаб-қувватланди. Барча ускуналар билан бирга Китоб ва Нишон туманидаги марказларимиз ҳокимликлар ихтиёрига ўтказилди, — дейди Равшан Дўстқораев. — Ҳамкорлик эса давом этаверади.

Ҳа, фаолияти синовдан ўтган марказ энди тадбиркорларга хизмат қилмоқда. Марказ раҳбари Фуломжон Узоқов ангилликлар, қандай зарур адабётлар, компьютерлар келтирилгани, қайси йўналишларда тадбирлар ўтказиш юзасидан режа тузилаётгани ҳақида гапириб беради. Мен эса марказ иши билан танишиб, тадбиркорлар ундан наф кўришлари, зарур маълумотлар, йўлланмалар, ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ола билишларига ишонч ҳосил қилдим. Туман тажрибасини бошқа жойларга ҳам ёйишса, фақат фойда келтириши шубҳасиздир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Футбол: МИЛЛИЙ чемпионат бошланди

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лига жамоалари янги мавсум баҳсларини бошлашди.

Олмаликда «Олмалик» — «Нефчи» жамоалари учрашувида аввалига мەҳмонлар вакили Мансур Саидов ҳисобни очганди. Аммо фарғоналикларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Уйининг иккинчи бўлимида Мамазулов ҳамда Лупашко томонидан киритилган голлар олмаликликларга муҳим уч очкони ҳада этди — 2:1.

ОФК кубоги баҳсларида ўз дебютини муваффақиятсиз бошлаган Ҳузорнинг «Шўртан» жамоаси аъзолари миллий чемпионатнинг илк учрашувида ҳам мағлубиятга учради. Гарчи, сафарда «Бухоро» футболчилари дарвозасини Игорь Таран ишғол этиб, ҳисобни очган бўлса-да, Илья Ильин ғузориқларни икки мартаба уйини майдон марказидан бошлашга мажбур қилди — 2:1.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Қизилқум» — 2:0, «Навбахор» — «Металлург» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Динамо» — 0:0, «Насаф» — «Андижон» — 2:0, «Машғал» — «Бунёдкор» — 0:2.

Иккинчи тур учрашувлари бўгун бошланади.

Дэвис кубоги: Ўзбекистон — Янги Зеландия — 3:2

Теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати номини олган Дэвис кубоги баҳсларига старт берилди. Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳидан жой олган Ўзбекистон — Янги Зеландия терма жамоалари учрашуви Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуида бўлиб ўтди.

Денис Истомин, Фаррух Дўстов сингари моҳир ракетчилардан тарихи тоғлан Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учта ўйинни ҳам ўз фойдасига ҳал қилиб, умумжамоа ҳисобида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 3:0. Кейинги икки ўйин Мурод Иноятов ва Важа Узоқовнинг тажрибаси ошишига хизмат қилди. Энди қуръага қўра, теннисчиларимиз навбатдаги баҳсни Токиода Япония вакилларига қарши ўтказадилар.

Эркин ХОЛБОБО

ОБ-ҲАВО 10-11.03. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	17°C	19°C
Самарқанд	14°C	19°C
Нукус	12°C	17°C
Қарши	18°C	23°C
Урганч	12°C	17°C
Навоий	15°C	20°C
Фарғона	12°C	17°C
Бухоро	15°C	20°C
Андижон	12°C	17°C
Наманган	12°C	17°C
Термиз	18°C	23°C
Жиззах	14°C	19°C
Гулистон	14°C	19°C
Тошкент вил.	14°C	19°C
Лондон	4°C	5°C
Париж	6°C	7°C
Москва	-5°C	-7°C
Мадрид	5°C	5°C
Пекин	0°C	1°C
Гонгконг	13°C	15°C
Рим	3°C	4°C
Анқара	-3°C	-6°C
Токио	2°C	2°C
Стокгольм	1°C	-3°C
Кейптаун	18°C	19°C
Қоҳира	10°C	10°C
Гавана	21°C	19°C
Вашингтон	8°C	8°C

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAYATI:

- | | | |
|----------------------|-----------------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Musihiddin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Tat'yana KISTANOVA | Andrey KUSTOV |
| Bobir ALIMOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Ochilboy RAMATOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | G'afvor HOTAMOV | Saidahmad RAHIMOV |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | |

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349 t — Tijorat materiallari

21781 O'zA yakuni — 20.40 nusxada bosildi. Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Temur XUDODOYBERDIYEV**

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5